

2020

## “AL-MAVAHIB US-SARMADIA” AND THE SOURCES GIVEN IN IT CONCERNING THE NAKSHBANDI TARIKAH

Davronbek Kadirov

*Bukhara State University*, dagotys@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau>



Part of the [Classical Literature and Philology Commons](#), and the [Islamic Studies Commons](#)

---

### Recommended Citation

Kadirov, Davronbek (2020) “AL-MAVAHIB US-SARMADIA” AND THE SOURCES GIVEN IN IT CONCERNING THE NAKSHBANDI TARIKAH," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 3.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss1/3>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**Qodirov DAVRONBEK HOSHIMOVICH**

*Department of National Ideas, Spirituality Bases and Jurisprudence, Bukhara State University, Senior Lecturer, dagotys@mail.ru 11 M. Ikbol, Bukhara, Uzbekistan.*

**“АЛ-МАВОҲИБ УС-САРМАДИЯ” АСАРИ  
ВА УНДА КЕЛТИРИЛГАН НАҚШБАНДИЯ  
ТАРИҚАТИГА ДОИР МАНБАЛАР**

**СОЧИНЕНИЕ “АЛ-МАВАХИБ  
УС-САРМАДИЯ” И ПРИВЕДЕННЫЕ В  
НЕМ ИСТОЧНИКИ, КАСАЮЩИЕСЯ  
НАКШБАНДИЙСКОГО ТАРИКАТА**

**“AL-MAVAHIB US-SARMADIA” AND THE  
SOURCES GIVEN IN IT CONCERNING  
THE NAKSHBANDI TARIKAN**

**Таянч сўзлар:** тасаввуф, нақшбандия, тариқат, сулук, муришид, мурид, қалб, руҳий ва ахлоқий тарбия, мистика, экзистенция, рисола, манба, маданий мерос.

**Ключевые слова:** суфизм, нақшбандия, тариқат, сулук, муришид, мурид, сердце, духовное и нравственное воспитание, мистика, экзистенция, трактат, источник, культурное наследие.

**Key words:** Sufism, Naqshbandia, tariqa, Suluk, murshid, murid, heart, spiritual and moral education, mysticism, existence, treatise, source, cultural heritage.

Аждодларимизнинг тасаввуф таълимоти, уларнинг суфиёна қарашлари, хусусан, Нақшбандия тариқатини ўрганиш миллий ва маънавий меросимизни қайта тиклашга, асраб-авайлашга ҳамда ривож топишига хизмат қилади. “Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади...” [1; 84 б.] Бугунги кунда Шарқу Ғарбга танилган Нақшбандия тариқати ва таълимоти тўғрисида баён қилувчи манбаларни излаб топиш, таржима қилиш ва ўрганиш натижасида маънавий мулкимизни бойитиш янада аҳамият касб этмоқда. Нақшбандия тариқати ва таълимоти ёритилган ҳамда бизга маълум бўлмаган араб тилидаги асарларни тадқиқ этиш асносида ноёб манбалардаги қизиқарли маълумотларни учратдик. Зеро, Нақшбандия тариқати ва унинг услубиётига доир араб тилидаги манбаларнинг аксарияти XVII–XIX асрларда таълиф этилган. Бинобарин, ҳозирда ҳам

Мақолада мисрлик шайх Муҳаммад Амин ал-Курдий қаламига мансуб Нақшбандия тариқати силсиласидан жой олган валийларнинг сифати ва ҳаёти, шажаралар тарихи, нақшбандийлик тариқатининг назарияси ва амалиёти тўғрисида баён қилинадиган “Ал-мавоҳиб ус-сармадия” асарида келтирилган тасаввуф ҳамда Нақшбандия тариқатига доир манбаларнинг тарихий аҳамияти таҳлил этилади. Маълумки, суфийлар наздида тасаввуфда ҳақиқатга таълим олиш орқали эмас, балки фақат амалиёт ва риёзатни ўз бошидан кечириш, мистик ва экзистенциал тажриба орқали эришилади. Шайх Муҳаммад Амин ал-Курдийнинг фикрича, тасаввуф таълимотида солиҳлар машойих ёки авлиёни кўрмоқликдан кўра, маънавий, рухий фойдани уларнинг ҳаёти, ахлокий сифатлари ва қилган амаллари тўғрисида ўрганиб билиб оладилар. У тасаввуфга доир асарларни ўқиш инсонни ахлокий ва маънавий жиҳатдан тарбиялайди, деб ҳисоблайди. “Ал-мавоҳиб ус-сармадия” асарида ўзбек илм-фанига номалум бўлган ва XVII–XIX асрларда Яқин Шарқда яратилган бир нечта тасаввуфий-ирфоний манбалар келтириб ўтилади. Ушбу асарлар нафақат тасаввуф таълимотининг фалсафий қарашлари, усул ва методлари тўғрисида, балки юртимизда яшаган алломаларнинг ҳаёти, фалсафий-тасаввуфий таълимоти ҳамда маънавий меросига доир бой маълумотларни беради. Шу нуқтаи назардан мақолада бу манбалар ва уларнинг муаллифлари киёсий, тарихий-хронологик ва назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

В статье анализируется историческая важность источников, рассказывающих о жизни, качествах, деяниях и генеологии авлия (святых), принадлежащих к цепочке Нақшбандийского тариката. Кроме того, рассматриваются вопросы, связанные с теоретическими и практическими аспектами ордена нақшбандийцев, содержащиеся в сочинении “Ал-мавахиб ус-сармадия”, принадлежащие перу египетского шейха Мухаммеда Амина ал-Курди. Известно, что по воззрениям суфиев, чтоб достичь Истины, человек должен испытать страдания, пройти мучения и усердно работать над собой. И посредством мистического и экзистенциального опыта, а не обучения, он достигнет желаемого. По мнению шейха Мухаммеда Амина ал-Курди, вступивший на путь суфизма – салик сможет черпать духовную силу не от созерцания шейхов или авлия, а от изучения их жизни, деяний и нравственных качеств. Он считал, что чтение суфийских произведений воспитывает человека нравственно и духовно. В книге “Ал-мавахиб ус-сармадия” автор приводит несколько суфийско-просветительских трактатов, созданных в XVII–XIX веках в арабском мире и которые незнакомы узбекской науке. Данные произведения дают ценную информацию не только о философских взглядах, практике и методах суфийского учения, но и о жизни, воззрениях и духовном наследии ученых, живших в нашей стране. С этой точки зрения в статье изложенные источники и их авторы исследованы в теоретическом, сравнительном и историко-хронологическом аспектах.

The article focuses on the historical importance of sources containing information about the life, qualities, deeds and genealogy of the awliya ( saints) who belongs to the chain of Naqshbandi tariqa and the theory and practice of the Naqshbandi order given in the book “Al-Mawahib us-Sarmadiya” of the Egyptian Sheikh Muhammad Amin al-Kurdi. It is known that according to the views of the Sufis, in order to achieve the Truth, a person must experience suffering, undergo torment and work hard on himself. And only by mystical and existential experience, and not by training, he will achieve what he wants. According to Sheikh Mohammed Amin al-Kurdi, who has embarked on the path of Sufism - Salik, will be able to exhaust spiritual power not from contemplation of sheikhs or saints , but from the study of their life, deeds and moral qualities. He believed that reading Sufi works educates a person morally and spiritually. In the book Al-Mawahib us-Sarmadiya, the author cites several Sufi-enlightening treatises created in the 17th-19th centuries in the Arab world and which are unfamiliar to Uzbek science. These works provide valuable information not only about the philosophical views, practices and methods of Sufi teachings, but also about the life, views and spiritual heritage of scientists living in our country. From this point of view, the above sources and their authors are investigated in the article in theoretical, comparative and historical-chronological aspects.

Ғарб оламининг рухшунос ва файласуф олимлари ушбу рисоаларни ўрганиб, ўз халқларининг маданияти ва маънавий меросини замон билан ҳамнафас равишда бойитмоқдалар.

Тасаввуфнинг асосий озуқа манбаи Муҳаммад (а.с.)нинг маънавий ботини ва гўзал ахлоқи ҳисобланади. Тасаввуф инсоннинг маънавий оламини мукаммаллаштиради. У туфайли одамзод моддий оламнинг ўз шахсига таъсирини заифлаштириб, буюк илохий ҳақиқатга сидқидилдан хизмат қилиш ва тўхтовсиз рухий камолотга эришиш йўлидан боради. Тасаввуф воситасида инсон қалбидаги имон, сабр, камтарлик, ризолик, таваккул каби ботиний сифатларини юзага чиқара олиши ва муросасизлик, кибру ҳаво, шахват, хасислик каби яширин нафсоний иллатлари билан кураша олади.

Ислом маданияти меросини тадқиқ этишнинг энг долзарб муаммоларидан бири тасаввуф масаласи ҳисобланади. Тасаввуф ислом маданиятини шакллантиришда катта роль ўйнайди. Ушбу таълимот асосий эътиборини инсоннинг Аллоҳга индивидуал ибодат қилишига қаратади ва шахснинг экзистенциал тажрибасини ҳамда индивидуум родини тан олади. Инсоннинг нажот топиш муаммосини ҳал этувчи ягона йўл сифатида маънавий комиллик ғояси қуруқ шариат қонунидан кўра, самарали бўлиб, мусулмон халқлари маънавий ҳаётининг турли соҳалари ривожига кучли таъсир кўрсатган.

Марказий Осиёда, хусусан, юртимизда тасаввуфнинг кубравия, яссавия, хожагон-нақшбандия йўналишлари вужудга келиб, аҳолининг турли

табақалари ўртасига кириб борди. Нақшбандия тариқатининг вакиллари Марказий Осиёда Темур ва темурийлар, шайбонийлар, кейинроқ Ҳиндистондаги Бобурийлар давлатида катта шуҳрат ҳамда эътибор қозонди. Кўплаб тадқиқотлар тасаввуф тарихи, унинг турли ўлкаларда намоён бўлиши, мазмун-моҳияти, тамойиллари, шакл-шамойили, йўл-йўриқлари, шунингдек, фалсафа, адабиёт ва маънавиятга бевосита таъсири каби масалаларга бағишланган.

Тасаввуф таълимоти, унинг тараққиёти ва тарихига доир турли фикрлар ўз даврида Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан билдирилган. А. Е. Кримский “Ҳижрий III аср охирларига қадар тасаввуф тараққиёти” асарида тасаввуфнинг вужудга келиши ва шаклланишида икки омилни кўради: “Улардан бири Ғарбдаги насронийликнинг излари бўлиб, мусулмонликни қабул қилишгача насроний бўлган мамлакатларда, иккинчидан, Шарқдаги ўзаги буддавийлик билан боғлиқ юртларда тарқалганлигидаир” [2;42-76 б.]. Бундай фикрлар билан йўғрилган П.Цветковнинг “Ислом мистицизми” ва И.Голдциернинг “Ислом ҳақида маърузалар” [3;126-148 б.] асарлари тасаввуфга ботил мақсад билан ёндашишликда кўринади.

Ф. А. Толук тасаввуфни “қохинлар авлоди”дан келиб чиққан, – деб ёзади. Кейинроқ бу исбот қилиб бўлмайдиган гипотезасини рад этиб, суфийликнинг исломга боғлиқ таълимот эканлигига амин бўлади. [4; 23 б.] Ушбу фикрларни қўллаб-қувватловчи хориж олимлари А. Николсон, Л. Массиньон, А. Арберри, Ж. Тримингэм, А. Шиммел ва бошқалар ҳисобланадилар.

Э. Браун, О. В. Макдональд, А. Вензинк фикрларига кўра, суфийлик шарқий насронийликдаги зоҳидликдан келиб чиққан ҳамда насронийлик шаклидаги неоплатонизмга тегишли Сурия роҳиблари томонидан ишлаб чиқилган. [5;11-12 б.] Ж.Трименгем ҳам тасаввуфни зоҳидлик ва шарқий насронийликдан келиб чиққан, – дейди. [6; 8-17 б.]

АҚШлик машхур тарихчи олимлардан бири Фредерик Старрнинг ислом ва Марказий Осиёга бағишланган “Йўқотилган маърифат: Марказий Осиёнинг араблар босқинидан то Темургача бўлган олтин асри” номли китобида ҳам тасаввуф қораланади. Асарнинг асосий мақсади Марказий Осиёнинг IX–XII асрларда ислом илм-фани ва маърифати тараққиётига ҳисса қўшганлигини ва унинг бевосита иштирокчиси бўлганлигини очиб беришдан иборат. Бироқ Ф. Старр маърифатнинг олтин асри суфийлар томонидан тугатилиб, зулмат асри бошланди, – деб таъкидлайди. [7; 63 б.]

Фредерик Старр “Йўқотилган маърифат” китобида ислом динига, хусусан, тасаввуфга нисба-

тан адоватини очик-ойдин яширмай баён қилади. У суфийлик маърифат давридаги ҳаракатланувчи кучни, Марказий Осиёдаги тараққиётни тўхтатди, – дейди. Ф. Старр ўз асарида диний қадриятлар тўғрисида фикр юритар экан, ҳадисшунослик, фикҳ ва тасаввуфнинг аҳамиятини, уларнинг халқимиз маънавияти ва маърифатидаги ролини бузиб кўрсатади.

Ғарб тадқиқотчиларининг юқорида келтирилган фаразларидан кўриниб турибдики, тасаввуфни кўпчилик олимлар ноҳолис баҳолашган ёки уни буддавийлик, яҳудийлик, насронийлик ҳамда зардуштийлик замирида яратилган таълимот сифатида қараганлар. Бундай назария сабабини Карл Эрнст олимларнинг аксарияти тасаввуфни форс ва ҳинд суфийларидан, шунингдек, яна иккиламчи манбалардан ўрганишганида, деб ҳисоблайди. Уларнинг назаридан араб, Африка ва Индонезиядаги суфийлик қарашлари тушиб қолган. Бироқ айтиш жоизки, Ғарб олимлари орасида тасаввуфга холисона баҳо берган К. Эрнст каби олимлар суфийликни исломдан айиришга асос йўқлигини ва бундай қараш ислом фундаменталистларига қўл келиши, суфийларни куфрда айбланишига олиб келишини таъкидлайди. [8; 320 б.]

Ислом олами олимлари ва асл суфий шайхлари бундай қарашларни исломга, хусусан, тасаввуфга берилган зарба, – деб биладилар. Шозилия тариқати шайхи Абдулқодир Исо ўзининг “Ҳақоқиқу анит-тасаввуф” (Тасаввуф тўғрисидаги ҳақиқатлар) асарида ушбу тадқиқотчиларнинг кирдикорларини шундай фош қилади: “Улар Исломни ўз ҳаётларида дастуруламал бўлиши учун эмас, балки Исломга қарши курашиш йўли ва усулларини ишлаб чиқиш учун чуқур ўргана бошладилар. Шу каби машхур муаллифлар – инглиз олими Николсон, яҳудий Голдциер, француз Массиньон ва бошқалардир. Улар асл мойга захар қўшиб, ўз китобларида Исломни баъзан мактаб туриб, ўқувчи ишончига кириб оладилар, сўнгра эса унинг эътиқоди тўғрилигини шубҳа остига қўядилар” [9; 234 б.].

Шундан келиб чиқиб, тасаввуфни ўрганишда агиографик – авлиёлар ҳаёти ҳақидаги манбаларни тадқиқ қилиш зарур ҳисобланади. Агиографик манбаларга мурожаат этиш орқали тасаввуфнинг моҳиятини тушуниш мумкин. Авлиёлар, яъни суфий шайхларининг ҳаёти тариқат ва ахлоққа доир масалаларни муфассал ёритишда аҳамиятлидир. Нақшбандия-ҳолидия шайхларининг фикрига кўра, тасаввуфдаги маънавий қувват манбалари суҳбат, вирд ва хатма ҳисобланади. Хусусан, нақшбандий шайхлари суҳбат, – деганда пайғамбарлар қиссаси, авлиёлар ҳаёти, уларнинг фикрлари ва кароматларини муридларга ривоят қилишни назарда

тутганлар.

Маълумки, бизда ҳам авлиёлар ҳақида тазкиралар битиш, уларнинг мақомот ва маноқибларини ёзиш бир анъанага айланган. Жумладан, Абдурахмон Суллабийнинг “Табақот ас-суфия”, Абдуллоҳ Ансорийнинг “Манозил ус-соирин”, Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё”, Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс”, Муҳаммад Сиддик Рушдийнинг “Тазкират ул-авлиёи ат-туркий”, Мавлоно Муҳаммад Қозининг “Силсилат ул-орифин”, Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ул-ҳаёт”, Хожа Абулбақо ибн Хожа Баҳовуддин (Ҳазрат Маҳдуми Аъзамнинг набираси) қаламига мансуб “Жомеъ ул-мақомот”, Носириддин Хусайн ал-Бухорийнинг “Тухфат уз-зоирин”, теурий шахзода Муҳаммад Доро Шукуҳнинг (Бобур Мирзонинг авлодларидан) “Сафинат ул-авлиё”, шунингдек, Хужвирийнинг “Кашф ул-мажҳуб” асарларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ҳозирги кунда тасаввуфшунос олимларимиз томонидан диёримизда ва Ўрта Осиё худудида яшаб ўтган суфий шайхлари ҳаёти, илмий мероси анчагина ўрганилган. Булардан: С. Олимов. Ишқ, ошиқ ва маъшук; Нажмиддин Комилов. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи; Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур; Садриддин Салим Бухорий. Дилда ёр; Ҳожи Абдулғофур Абдурраззоқ Бухорий. Тариқат нима?; Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф сабоқлари; Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари; Нажмиддин Комилов. Хизр чашаси; Ҳ. Болтабоев. Исломи тасаввуфи манбалари; Қаҳрамон Исмоилов. Хорижда тасаввуф таълимотининг ўрганилиши ва бошқаларни мисол қилиш мумкин.

Бироқ Яқин Шарқ ва Араб мамлакатларида тарраққий топиб, давом этиб келаётган Нақшбандия тариқати тўғрисидаги маълумотлар жуда кам. Айнан шундай Нақшбандия тариқати мазмун-моҳиятини ёритиб берадиган манбалардан бири мисрлик шайх Муҳаммад Амин ал-Курдийнинг “Ал-мавоҳиб ус-сармадия фи маноқиб ас-содат ан-нақшбандия” (Нақшбандия тариқати валийларининг эътиборга лойиқ сифатларидаги боқий ҳадялар) асари ҳисобланади. Ушбу илмий рисола биринчи марта 1911 йилда Қохиранинг Ал-Азҳар университетида нашр қилинган.

Шайх Муҳаммад Амин ибн Фатҳизода ал-Курдий аш-Шофеъий ан-Нақшбандий 1860 йилда Ироқда туғилиб, унинг отаси Нақшбандия-ҳолидия тариқати шайхи бўлганлиги туфайли ёшлигиданок тасаввуфна муҳитда улғаяди. У ёшлигида шайх Умар Усмондан илм ўрганади ва 1883 йилда Мадинага бориб, Маҳмудия мадрасасида таълим олади.

Шайх ал-Курдий Мадинада Расулulloҳ масжидида дарс беради. Кейинчалик у оиласи билан Мисрнинг Булоқ шаҳрига кўчиб бориб, Ал-Азҳар университетида ҳадис ва фикҳ илмидан таълим бера бошлайди.

Шайх Муҳаммад Амин ал-Курдий сермаҳсул ижод қилиб, илоҳиётшунослик, тасаввуф ва ислом аҳкомларига доир бир қанча илмий асарлар ёзган. Шулар қаторида Нақшбандия тариқатига доир “Ал-мавоҳиб ус-сармадия фи маноқиб ас-содат ан-нақшбандия” (“Нақшбандия тариқати валийларининг эътиборга лойиқ сифатларидаги боқий ҳадялар”) ва “Ал-ҳидоят ул-хайрия фит-тариқат ан-нақшбандия” (“Нақшбандия тариқатида хайрли амалларга етакловчи тўғри йўл”) асарлари ҳалиям ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу асарлар ҳозиргача япон, инглиз, француз ва бошқа тилларга таржима қилиниб, шарқшунос ҳамда тасаввуфшунос олимлар томонидан ўрганилган. “Ал-мавоҳиб ус-сармадия” асари бир неча бор араб давлатларининг ўзида ҳам қайта-қайта нашр қилинган.

“Ал-мавоҳиб ус-сармадия” асарида Нақшбандия тариқати силсиласидан жой олган валийлар тарихи, нақшбандийлик тариқатининг назарияси ва амалиёти тўғрисида баён қилинади. Бу китобнинг Ўрта Осиё тасаввуфини ўрганишда тарихий манба сифатида аҳамияти катта. Шайх Муҳаммад Амин “Ал-мавоҳиб” асарида ўздан олдинги тасаввуф таълимотининг мутафаккирлари ёзиб қолдирган мақомот ва маноқиблардан маълумотлар ҳамда иқтибослар келтиради. Унинг китобида Абу Бакр ал-Калободийнинг “Ат-таарруф ли мазҳаби аҳли ат-тасаввуф”, Абдуллоҳиқ Ғиждувонийнинг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний”, Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ул-ҳаёт”, Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти Баҳоуддин Балогардон”, Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё”, Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс”, Хожа Ориф ар-Ревгарийнинг “Орифнома”, Муҳаммад Қозининг “Силсилат ул-орифин” ва бошқа алломаларнинг асарларидан фойдаланилган.

Юртимизда Нақшбандия тариқати номи билан шаклланган ва маънавий занжир саналган силсила асрлар давомида турли номлар билан аталган. Абу Бакр Сиддикдан шайх Тайфур ибн Исо Абу Язид ал-Бистомийгача борадиган силсила “сиддиқия”, Абу Язид ал-Бистомийдан шайх Абдуллоҳиқ ал-Ғиждувоний ал-Ҳожагонга борадиган силсила “тайфурия”, ундан шайх Баҳоуддин ал-Увайсий ал-Бухорийга борадиган силсила эса “хожагон”, ҳазрат Муҳаммад Баҳоуддиндан Убайдуллоҳ Аҳрогача “нақшбандия”, ундан Мужаддиду ал-фи соний, яъни “Иккинчи минг йилликнинг янгилов-

чиси” имом ар-Раббоний шайх Аҳмад ал-Форукқача “ахрория”, ундан то мавлоно шайх Холид Бағдодийгача эса “муҷаддида” ва бизнинг юз йилликкача “ҳолидия” деб номланган.

Шайх ал-Курдий “Ал-мавоҳиб”да Нақшбандия тариқати силсиласини Муҳаммад (а.с.)дан устози шайх Умар ат-Товилийгача баён қилади. Бу асарнинг илмий аҳамияти шундаки, унда Ўрта Осиёда яшаган шайхларнинг ҳаёти ва тасаввуфий қарашлари тараққиёти тўғрисида билиб олишимиз мумкин. Китобда Нақшбандия силсиласидан жой олган юртимиз орифлари Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Али Ромитаний, Бобо Саммосий, Амир Кулол, Саййид Баҳоуддин Нақшбанд, Алоуддин Аттор, Яъқуб Чархий, Убайдуллоҳ Ахрор, Муҳаммад Қози Зоҳид, Саййид Дарвеш Муҳаммад, Саййид Муҳаммад Хожа Амканакий ҳақида маълумотлар мавжуд. Асарда “Мақомоти Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний”, “Мақомоти Амир Кулол”, Хожа Муҳаммад Порсонинг “Мақомоти Баҳоуддин Нақшбанд”, “Тухфат ус-соликин”, Яъқуб Чархийнинг “Рисолаи унсия”, “Мухтасари дар баёни силсилаи Нақшбанд”, “Рисолаи абдолия”, Убайдуллоҳ Ахрорнинг “Фақороти Ахрория”, “Усули Нақшбандия”, Муҳаммад ибн Бурҳониддин Қози Зоҳиднинг “Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин” каби ноёб рисоалардан фойдаланилганлиги тилга олинади. Шу сабабли ушбу асар Ўрта Осиёда яшаб ўтган Нақшбандия тариқати намояндалари ва тасаввуф шайхларининг ҳаёти, маънавий меросини ўрганишда манба сифатида бебаҳодир.

“Ал-мавоҳиб” асарида инсоннинг маънавий-ахлоқий тарбияси, аввал яшаб ўтган яхши фазилатли кишилар тўғрисидаги суҳбатлар ва хикоялар орқали шаклланади, – деб таъкидланади. Инсон хулқининг гўзаллиги, ёшлар тарбияси ота-боболаримиз, аждодларимизнинг тарихини ва маънавий оламинини билишимизга боғлиқ. Буни тасаввуф таълимотидаги маънавий ота, яъни устоз ва маънавий фарзанд муносабатларида яққол кўришимиз мумкин.

Тариқат йўлига кирган солиҳлар ўзларининг маънавий оталари ҳақида билмоғи зарур, – дейди шайх Муҳаммад Амин. Чунки солиҳ ўзининг ердаги жисмоний отасидан кўра, маънавий отаси ҳақида кўпроқ билиши лозим. Оталар икки хил бўлади – маънавий ва жисмоний. Ердаги отанинг вазифаси фарзандига яратилган оламни ривожлантириш ва давом эттиришни ўргатишдир. Маънавий отанинг вазифаси эса фарзанд ўзида илоҳий оламини – *Олам ул-амрни* ривожлантиришига ўргатиши хисобланади. Биринчи отанинг иши ердаги ҳаёти

давомида фарзандининг жисмоний, ташқи ривожланиши ва турли дунёвий соҳаларда камол топган инсонни тарбиялаши учун шароит яратишдир. Иккинчисининг вазифаси эса комил инсонга бутун оламнинг ботиний сири ва илоҳий ривожланишини билишида восита бўлиш. Бу инсон ичидаги инсонийликдир. Шу восита орқали Ердаги илоҳий вазифа бажарилиб, бу мустаҳкам занжир ва алоқани ҳеч нарса узолмайди. Шунинг учун маънавий ота жисмоний отага нисбатан юксак олийҳиммат даражада туради.

Маълумки, суфийлар наздида тасаввуфда ҳақиқатга таълим олиш орқали эмас, балки фақат амалиёт ва риёзатни ўз бошидан кечириш, илоҳий (мистик) ва ҳаётий (экзистенциал) тажриба орқали эришилади. Имом Ғаззолий ҳам тасаввуфнинг машаққатли йўл эканлигини шундай таърифлайди: “Мен тасаввуф илмини ўрганишни буюк суфий шайхларининг китобларини ўқиш орқали бошладим... Абу Толиб ал-Маккий, ал-Мухосибий, Жунайд, Шиблий, Абу Язид ал-Бистомий каби машоъихлар асарларини ўқир эдим ва уларнинг таълимоти моҳиятига эътибор қаратардим. Шунда англадимки, уларнинг йўлини таълим олиш ва эшитиш орқали билиб бўлмас экан. Шу пайт менга ажиб бир сир ошкор бўлди, суфийларга хос хусусиятни ўзим учун кашф этдим, яъни Аллоҳ васлига ўқиш орқали эмас, балки завқ (ишқ таъмини билиш), ҳол (ошиқ аҳволига тушиш) ва сифатларни ўзгартириш (хулқни яхшилаш, поклаш) орқали эришиш мумкин экан” [10; 28 б.].

Муҳаммад Амин ал-Курдий Нақшбандий “Ал-мавоҳиб ус-сармадия” асарини шундай бошлайди: “Нақшбандия тариқатининг баъзи бир ақибларини айтадилар, баъзан мурид учун аввал яшаган машоъихлар сифатини билмок, уларни кўрмоқликдан кўра фойдалироқдир. Чунки муридларнинг табиати, кўнгли қаттиқ бўлади, шунинг учун улар Аллоҳ Таоло ўз сирини шайхларга ато этган нарсаларни кўрсалар ҳам ўша сир муридларнинг қалбига сингмайди.

Шу сабаб биз катта аҳамиятга эга Нақшбандия ихлосмандлари ва самимий дўстларидан саналган олдинги ҳамда охириги суфийлар (шайхлар)нинг одоблари ва машоъихлар тарихи баён қилинган кўпгина китобларни жамладик. Аллоҳнинг марҳамати ила уларнинг қаймоғини йиғиб олдик... Булар “Ал-ҳадоиқ ул-вардия”, “Ал-ҳадиқат ун-надия”, “Ал-бахжат ус-санийя”, “Рашаҳот”, “Мактубот”, “Мифтах ул-маъия”, “Китоб ул-Ходимий” ва бошқалардир. Ва биз китобимизни “Ал-мавоҳиб ас-сармадия фи манокиб ас-содат ан-нақшбандия” (“Нақшбандия тариқати валийларининг эътиборга

лойиқ сифатларидаги боқий ҳадялар”) деб атадик... Мен Аллоҳ таолодан ушбу рисола хосс ва авомга ҳам бир хил манфаат келтиришини сўраб дуо қиламан” [11; 3-4 б.].

Муаллиф юқорида зикр этган китобларнинг баъзилари тадқиқотчиларимизга таниш бўлса-да, аксарияти номаълумдир. Ушбу рисолалар тўғрисида гапиришдан аввал, мутасаввиф олимнинг фикридан қуйидаги хулосаларни чиқарсак бўлади:

1. Олимнинг фикрича, тасаввуф таълимотида солиҳлар машойих ёки авлиёни кўрмоқликдан кўра, маънавий, руҳий фойдани, уларнинг ҳаёти, ахлоқий сифатлари ва қилган амаллари тўғрисида ўрганиб, билиб оладилар. Агар Имом Ғаззолий тасаввуфни таълим олиш, эшитиш билан ўрганиб бўлмайди, деса, шайх Муҳаммад Амин ал-Курдий машойихлар ҳаёти ва асарларини ўрганиш солиҳ учун фойдали, деб таъкидлайди. Демак, маънавий қувват солиҳ инсонлар ва валийларнинг хайрли ишларини билиш, ўрганиш ва ўрнат олишдан олинади. Шу орқали инсон ўз ахлоқини таҳлил қилади ва тартибга солади, инсоний фазилатлар билан зийнатланади. Тошдай қаттиқ қалбга нур сингиб, мулоимлашади ва ундаги зулмат зиёдан чароғон бўлади.

2. Муҳаммад Амин ал-Курдий Нақшбандий ўзи санаб ўтган китобларнинг қаймоғини жамладим деб, улардаги солиҳ тарбияси учун зарур ва муҳим бўлган воқеаларни тўплаб, Нақшбандия тариқати силсиласини бир тизимга солади. У бу маълумотларни нафақат хос, яъни сўфийлар учун, балки авом, яъни тасаввуфдан йироқ бўлган халқ учун ҳам фойда келтиришини таъкидлайди. Бу гапи билан тасаввуф ҳақидаги асарларни ўқишдан оддий халқ ҳам ахлоқий ва маънавий тарбият олади, – демоқчи олим.

3. Мутасаввиф асарида Нақшбандия тариқати-га доир бир нечта тасаввуфий-ирфоний манбаларни келтириб ўтади. Уларнинг аксарияти XVII–XIX асрларда яратилган рисолалардир. Бу рисолаларнинг баъзилари Ғарб тилларига таржима қилиниб, файласуфларнинг қарашлари ҳамда илғор ғояларига асос ҳам бўлган. Ушбу асарлардан Тримингем, Массиньон, Николсон, Арберри, Бургхардт, Читтик ва бошқа Европа шарқшуносларининг асарларида фойдаланилган ҳамда иқтибослар келтирилган. Бу китоблардан нафақат тасаввуф таълимотининг фалсафий қарашлари, усул ва методлари тўғрисида билишимиз, балки юртимиздаги алломаларнинг ҳаёти, тарихи ҳамда маънавий меросига доир бой маълумотларга эга бўлишимиз мумкин.

“Ал-мавоҳиб” асарида келтирилган тасаввуф ва Нақшбандия тариқатига доир рисолалар, улар-

нинг муаллифлари, асарнинг мазмуни ҳамда нашр қилинган санаси тўғрисида изланиб, қуйидаги маълумотларни аниқладик:

1. Тасаввуф тадқиқотчилари кўпинча “Ал-анвор ул-қудсия” асарини тилга оладилар. Ҳозирда “Ал-анвор ул-қудсия” номи билан аталадиган икки асар мавжуд бўлиб, улар тасаввуф таълимоти усуллари ва Нақшбандия тариқатига бағишлангандир. Улардан бири мисрлик мутасаввиф олим ва шоир Ёсин Иброҳим ас-Санхутий (1855-1935) қаламига мансуб “Ал-анвор ул-қудсия фи маноқиб ат-тариқат ан-нақшбандия” (Нақшбандия тариқати валийлари сифатидаги муқаддас нурлар) рисоласидир. Унда тариқат алломалари тўғрисида баён қилинган. Рисола Нақшбандия тариқати шайхларига атаб шеър ва ғазаллар битилган назмий асардир [12; 3 б.]. Асар 1925 йилда Қоҳирада “Матбаат ус-саодат” нашриёти томонидан нашр этилган.

Иккинчи рисола бу ҳам мисрлик мутасаввиф олим, шайх Абдулваҳҳоб ибн Аҳмад аш-Шаъронийнинг (1493-1565) “Ал-анвор ул-қудсия фи маърифати қавоид ас-суфия” (Суфийлик қоидаларини билишликда муқаддас нурлар) асари ҳисобланади. Абдулваҳҳоб аш-Шаъроний бу рисола умрининг охирида ёзган. Асар муқаддима ва уч бобдан иборат. Муқаддимада тасаввуф ақидаси ва зикр талқини, хирқа либоси, зикр одоби ҳақида баён қилинади. Рисоланинг биринчи бобида муриднинг одоби, иккинчи бобида муриднинг устозига одоби, учинчи бобда эса муриднинг ёр-биродарлари ва шайхининг асҳобларига одоби тўғрисида баён этилган. Хотимада эса бутун халққа, яъни инсон мавжудотларга нисбатан одоб тутмоқлик тўғрисида гапирилади. Аш-Шаъроний китобнинг муқаддимасида шундай дейди: “Мени ушбу рисола битмоқликка ундаган нарса – бу ўзим ва бошқа инсонларга насихат этмоқлик талабидир. Чунки мен кўпгина шайхларни ва уларнинг покиза ахлоқини кўрдим. Худди шу каби мен ҳар биримизнинг тариқатда етишган даражамизни кўраман. Бинобарин, ушбу китобни тарози сифатида битдим, токи шу тарози ёрдамида ҳақиқий ва ботил инсон ўлчансин. Агар кимнингки холи бу ерда ёзилган нарсага мувофиқ бўлса, Аллоҳга шукроналик келтирсин ва кимнингки мос келмаса, ўзининг ёлғон даъволари учун Аллоҳдан истиғфор этишини сўрасин” [13; 11-12 б.]. Абдулваҳҳоб аш-Шаъронийнинг “Ал-анвор ул-қудсия фи маърифати қавоид ас-суфия” китоби “Дар ул-маърифа” нашриёти томонидан 2001 йилда Қоҳирада нашр қилинган.

2. Нақшбандия тариқати тўғрисида қимматли маълумотларни ўзида жамлаган асарлардан яна бири суриялик аллома Муҳаммад бин Абдуллоҳ

ал-Хонийнинг (1798-1862) “Ал-бахжат ас-санийя фи адаб ат-тариқат ал-алия ал-холидия ан-нақшбандия” (Олий ва боқий Нақшбандия тариқати одобларидаги юксак лаззат) рисоласидир. Асарда тариқат усул ва одоблари, хатму хожагон, робита ва бошқа турли маълумотлар берилган [14; 4 б.]. Унинг сўнги бобларида Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Раббоний ва Холид ал-Бағдодийнинг ҳаёти ҳамда маноқиблари баён қилинади. “Ал-бахжат ус-санийя” рисоласи 1885 йилда Қоҳирада нашр этилган.

3. “Ал-ҳадоиқ ул-вардия фи ҳақоиқи ажиллаи ан-нақшбандия” (Нақшбандий улуғларининг ҳақиқатидаги гул боғчалар) – бу асар суриялик мутасаввиф олим Абдулмажид ибн Муҳаммад ал-Хоний (1846-1901) томонидан таълиф этилган. “Ал-ҳадоиқ ул-вардия” рисоласида Нақшбандия тариқатининг 3 та силсиласи: олтин, олий ва сиддиқия, Абдулхолиқ Гиждувонийнинг руҳонияти, тариқатдаги хилват турлари, суфийлар таоми ва либоси тўғрисидаги фасл, валийларнинг сифати, хусусиятлари ва кароматлари баён қилинади [15; 7-8 б.]. Абдулмажид ал-Хонийнинг нақшбандийликка бағишланган яна бир китоби – “Ал-кавокиб уд-дуррия” (Дурлардан тизилган юлдузлар) асари ҳам мавжуд.

“Ал-ҳадоиқ ул-вардия” асари Қоҳирада 1890 йилда нашр қилинган. 2010 йилда китоб Байрутда “Дар ул-кутуб ал-илмия” нашриёти томонидан чоп этилган. Рисола турк тилига Меҳмет Амин Фидан томонидан таржима қилиниб, “Нақшбандийларнинг гул боғчалари” номи билан Истанбулда “Ясин Яйиневи” нашриётида 2003 йилда нашрдан чиққан.

4. “Мифтах ул-маъия фи дустур ат-тариқат ан-нақшбандия” (Нақшбандия тариқати қоидаларидаги жиллоланиш калити) – бу асар Дамашқда яшаган мутасаввиф олим, шоир ва саёҳатчи Абдулғани ан-Наблусий ан-Нақшбандий (1641-1731) томонидан ёзилган. Рисолада Абдулхолиқ Гиждувоний ва нақшийликнинг 11 қондаси шарҳи, Нақшбандия тариқати асослари, вусул усуллари ва солихнинг Аллоҳ васлига эришмоғи учун зарур бўлган одоблар баён қилинади. [16; 5 б.] “Мифтоҳ ул-маъия” Қоҳирада 2008 йилда “Дар ул-жавдия” нашриёти томонидан нашр қилинган.

Абдулғани ан-Наблусийнинг қаламига мансуб тасаввуфга доир “Изоҳ ул-мақсуд мин ваҳдат ил-вужуд” (Ваҳдатул-вужуд мазмунининг изоҳи), “Ал-ҳазрат ул-унсия фи рихлат ил-қудсия” (Муқаддас саёҳатдаги улуғ инсонийлик), “Таъбир ул-анъом фи таъбир ил-маном” (Тушлар таъбиридаги жонзотларнинг маъноси) каби рисоалари ҳам мавжуд. Шунингдек, унинг “Ал-ҳадиқат ун-надия

фи шарҳ ат-тариқат ил-муҳаммадия” рисоласида маноқибни набавия, Муҳаммад алайҳиссаломнинг сифатлари ва аҳли байти, ахлоқ ва амаллари ҳақида баён қилинади [17; 262 б.]. Шунини айтиш керакки, “Ал-ҳадиқат ун-надия фи адаби ат-тариқат ан-нақшбандия” номи билан машҳур, Нақшбандия тариқатига бағишланган Муҳаммад бин Сулаймон ал-Бағдодийнинг ҳам (1907 в.э.) асари мавжуд. Бу икки асар қисқартирилиб, “Ал-ҳадиқат ун-надия” деб аталиши боис тадқиқотчиларни чалкашлиқларга олиб келади.

5. “Китоб ул-Ходимий” асари – бу ҳанафий мазҳабининг фикҳшунос олими Абу Саъид ал-Ходимийга (1701-1763) тегишли рисоалардан бирининг номи. Фақиҳнинг тўлиқ исми Муҳаммад бин Мустафо бин Усмон ал-Хусайний ал-Ходимий Абу Саъид ан-Нақшбандий бўлиб, асли ота-онасининг келиб чиқиши бухороликдир. Олим Кўнёдаги Ходим қишлоғида туғилган. У Истанбулдаги Аё Сўфия мадрасасида фикҳ ва тафсирдан дарс берган. Ал-Ходимийнинг машҳур асарлари “Мажомий ул-ҳақоиқ вал-қавоид ва жавомий ур-равоик вал-фавоид” (Шариатдаги мураккаб масалалар ва фойда келтирувчи покизалик мажмуаси), Имом ал-Ғаззолийнинг “Рисолат ул-валадия” сига шарҳ, “Ҳазоин ул-жавоҳир ва маҳозин уз-завоҳир” (Жавоҳирлар хазинаси ва гуллар маҳзани), “Ар-рисолату фил-қаҳва” (Қаҳва тўғрисида рисола), “Рисолат ун-насоиҳ вал-васоия” (Насиҳат ва васиятлар тўғрисида рисола), “Ар-рисолату фи ваҳдатил-вужуд” (Ваҳдатул-вужуд тўғрисида рисола), “Ал-ароис ван-нафоис фил-мантик” (Мантиқ илмининг нафис ашёлари ва келинчаклари) ва бошқалар ҳисобланади. Шунини таъкидлаш жоизки, шайх Муҳаммад Амин ал-Қурдий Абу Саъид ал-Ходимийнинг айнан қайси китобини назарда тутганлиги аниқ эмас. Чунки ал-Ходимийнинг тасаввуф ва фикҳга оид бир қанча асарлари мавжуд.

6. “Ал-ҳадиқат ун-надия фи адаби ат-тариқат ан-нақшбандия” (Нақшбандия тариқати одоби кўқарган шабнамли боғ) – бу рисоланинг муаллифи Муҳаммад бин Сулаймон ал-Бағдодий (1907 в.э.). Асар Нақшбандия тариқати одоби ва шайхларнинг ахлоли тўғрисидадир [18; 5 б.]. Ушбу китоб 1895 йилда Қоҳирада чоп этилган. Аниқлик киритиш жоизки, Муҳаммад бин Сулаймон ал-Бағдодий номи билан араб ва турк диёрида машҳур яна икки шоир бор. Уларнинг иккиси ҳам озарбайжон туркийсида назм қилган. Шоирлардан бири XIII асрда яшаб, ижод қилган, асли самарқандлик Муҳаммад бин Сулаймон ибн Қутирмиш (Қутулмиш) бин Туркон Шоҳ Абу Наср ал-Бағдодий бўлса, иккинчиси Фузулий тахаллусида ғазаллар битган Муҳаммад



бин Сулаймон ал-Бағдодийдир (1483-1556). Рисолаларни ўрганаётганда диққат қилсак, уларнинг муаллифлари яшаган давр ва асарлари борасида чалкашликларга йўл қўйилганлигига дуч келамиз. Чунки баъзи бир тадқиқотчилар Муҳаммад бин Сулаймон ал-Бағдодий, Ибн ал-Банно каби олимларга ўзлари ёзмаган рисоаларни талиф қилган, – деб хатоликка йўл қўйсалар, бошқалари “Ал-ҳадиқат ун-надия” каби икки асарни битта асар деб таъкидлайдилар. Шунинг учун кўлёмалар тўғрисидаги маълумотлар борасида эътибор бериб, адашмаслик зарур.

7. Яна бир йирик тасаввуф олимларидан бири Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ажиба ибн ал-Ҳасанийдир (1747-1809). У Марокашнинг Тетувон шаҳрида шарифлар оиласида дунёга келган. Аҳмад ибн Ажиба 40 дан зиёд асарларнинг муаллифидир. Олимнинг тасаввуфга доир “Ийқоз ал-ҳимам фи шарҳ ал-ҳикам” (Ҳимматларнинг уйғониши) асари машҳур.

“Ийқоз ал-ҳимам” рисоласи шайх Аҳмад бин Атоуллоҳ ал-Искандарийнинг “Китоб ал-ҳикам ал-атоия” асарига шарҳидир. “Ийқоз ал-ҳимам” рисоласи 300га яқин тасаввуфдаги тарбия ва сулуқка доир ҳикматларни ўз ичига олади [19;6 б.]. Асар кўпгина сўфийлик тариқатларининг муридлари ва тасаввуф тадқиқотчилари орасида шухрат қозонган шарҳлардан бири эканлиги билан эътиборга молик. “Ийқоз ал-ҳимам фи шарҳ ил-ҳикам” рисоласи 440 саҳифадан иборат бўлиб, Байрутда “Дар ул-кутуб ил-илмия” нашриёти томонидан 2009 йилда нашр қилинган.

Аҳмад ибн Ажибанинг тасаввуфга доир асарларидан яна бири Ибн ал-Банно ас-Сарқустий (Сарагоса, Испания, 1418 в.э.)нинг “Ал-мабоҳис ул-аслия ан жумлат ит-тариқат ис-суфия” (Суфийлик тариқатлари тўғрисидаги асл тадқиқотлар) асарига ёзган “Ал-футуҳот ул-илоҳия фи шарҳ ил-мабоҳис ил-аслия” (Асл тадқиқотлар шарҳидаги илоҳий кашфиётлар) шарҳидир. Абул-Аббос Аҳмад бин Муҳаммад бин Юсуф бин Тажибий ибн ал-Банно ас-Сарқустийнинг тасаввуф фалсафасига доир “Ал-мабоҳис ул-аслия” рисоласига бир қанча шарҳлар ёзилган. Ибн ал-Банно ас-Сарқустийнинг “Ал-мабоҳис ул-аслия ан жумлат ит-тариқат ис-суфия” рисоласи 1576 йилда кўчирилган ва 190 саҳифадан иборат.

Аҳмад ибн Ажибанинг “Ал-футуҳот ул-илоҳия” асарида суфийлар, фақирлар ва зоҳидларнинг ҳолати, пок ахлоқ ва тарбия тўғрисида баён қилинади. Рисолада шундай фикрлар мавжуд: “Суфий ҳаққа етишган, фақир эса ҳали сайру саёҳат этаётган бўлади. Фақирнинг халққа зарари тегмайди. Ёмон хулқ эгаси ҳайвонот подшоҳлиги эшиги-

га юзланган бўлади” [20;11 б.]. Аҳмад ибн Ажибанинг “Ал-футуҳот ул-илоҳия фи шарҳ ил-мабоҳис ил-аслия” асари “Дар ул-хайр” нашриётида Қоҳирада 2010 йилда чоп этилган ва 384 бетдан иборат.

Шу ўринда бир нарсага аниқлик киритиш зарур. Абул-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Азадий Ибн ал-Банно ал-Маррокуший (1256-1321) номи билан машҳур мағриблик араб математиги ва астрономи ҳам бўлган. Шу туфайли баъзи бир тадқиқотчилар тасаввуф алломаси Ибн ал-Банно ас-Сарқустийни риёзиётчи олим Ибн ал-Банно ал-Маррокуший билан уларнинг кунялари ва исмининг ўхшашлиги сабабидан адаштирадилар. Диққат билан қаралса, улар яшаган давр орасидаги фарқ қарийб бир асрни ташкил қилади.

Аҳмад ибн Ажибанинг “Ал-бахр ул-мадид фи тафсир ал-Қуръон ил-мажид” (Қуръон тафсиридаги чексиз денгиз) асари ҳам машҳурдир [21; 7 б.]. “Ал-бахр ул-мадид” инглиз ва француз тилларига ҳам таржима қилинган.

Тасаввуф тарихини ўрганишда юқорида зикр қилинган асарларнинг аҳамияти катта. Ҳозирда бизнинг илм-фанда шаклланган Ғарб шарқшунослари тадқиқотлари асосида тасаввуф фалсафасини ўрганиш методологиясидан кўра бевосита Шарқ манбаларига таяниб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки ушбу рисоаларнинг муаллифлари тасаввуф таълимотининг устозлари, тариқат шайхлари ва пиру-муршидлари саналади. Булар асосида Нақшбандия тариқати пирларининг қарашларини, тасаввуфий истилоҳларни илмий жиҳатдан бир тизимга солиб, таснифлаш ва тадқиқ этиш имконияти мавжуд. Шу билан бирга, манбаларни ўрганишда олдинги тадқиқотчилар йўл қўйган муаллифлар, асарлар номи ва саналарига доир чалкашлик ҳамда хатоликларга аниқлик киритиш керак бўлади. Келгусида зикр этилган манбалар бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилиши, тарихий хотирамиз тикланиши, шунингдек, халқимиз улардаги маънавий меросдан баҳраманд бўлишлари лозим.

Тасаввуф ҳақидаги рисоаларни варақлар эканмиз, ақлу шууримиз билан куйидаги хулосага келамиз: Аллоҳга ҳидоят, сайр ва сулуқ бир мезондирки, инсон ҳам ана шу тарози билан ўз нафси, ақли, қалби ва руҳини ўлчади ҳамда худди ойнага эҳтиёж сезгани каби, ўз амалларини кўриб, сарҳисоб қилади. Сўнгра, зоҳирида акс этган кайфиятнинг пок ёки нопоклигини таҳқиқ ва таслиҳ этади.

Юқорида зикр этилган манбалар ҳам Шарқ ва Ғарбнинг маънавий, ирфоний ва фалсафий қарашлар тараққиётида муҳим аҳамият касб этиб, жаҳон дурдоналари сафидан ўрин олган асарлардир. Шунинг учун ушбу асарларни тадқиқ этиб,

таржима қилиш ва миллий маданий меросимизни бойитиш келажакда амалга оширилиши долзарб бўлган масалалардан бири ҳисобланади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Shavkat Mirziyoev. Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. T., "O'zbekiston", 2018, – B. 84.
2. Qahramon Ismoilov. Xorijda tasavvuf ta'limotining o'rganilishi. T.: "Mumtoz so'z", 2008, – B.11-12.
3. Krimskiy A.E. Ocherk razvitiya sufizma do konsa III veka gid'ri. – M.: 1895, -B.42-76.
4. Goldsier I. Leksii ob islame. Izd.Brokgauza-Efron. 1912, – B.126-148.
5. Toluk F.A. Sufizm ili persidskaya panteisticheskaya teologiya. Berlin, 1821.
6. Trimingem J.S. Sufiyskie ordenq v islame. – Moskva, 1989, – B.8-17.
7. S. Frederick Starr, Lost Enlightenment: Central Asia's Golden Age from the Arab Conquest to Tamerlane, Princeton, Princeton University Press, 2013, – B.63.
8. Karl Ernst. Sufizm. – M.: Fair-Press, 2002, – B.320.
9. Abdulqodir Iso. Haqoiqu anit-tasavvuf. Dimashq, Mavqe' at-tariqat ash-shoziliya ad-darqaviya, 1981, – B.234.
10. Abu Homid al-G'azzoliy. Al-munqiz min az-zalol (Zalolatdan qutqazuvchi). Qohira, "Dar ush-sha'b", 1961, -B.28.
11. Muhammad Amin al-Kurdiy. "Al-mavohib us-sarmadiya fi manoqib as-sodat an-naqshbandiya", Qohira, "Matbaat us-saodat", 1911 y., – B.3-4.
12. Yosin Ibrohim as-Sanhutiy. "Al-anvor ul-qudsiya fi manoqib at-tariqat an-naqshbandiya". Qohira, "Matbaat us-saodat" nashriyoti, 1925, -B.3.
13. Abdulvahhob ibn Ahmad ash-Spa'roniy. "Al-anvor ul-qudsiya fi ma'rifati qavoid as-sufiyya", Qohira, "Dar ul-ma'rifa", 2001, – B.12.
14. Muhammad bin Abdulloh al-Xoniy. "Al-bahjat us-saniyya fi adab at-tariqat al-aliya al-xolidiya an-naqshbandiya", Qohira, 1885, – B.4.
15. Abdulmajid ibn Muhammad al-Xoniy. "Al-hadoiq ul-varidiya fi haqoiq ajillai an-naqshbandiya". Bayrut, "Dar ul-kutub al-ilmiya" nashriyoti, 2010, – B.7-8.
16. Abdulg'ani an-Nablusiy. "Miftoh ul-ma'iy". Qohira, "Dar ul-javdiya" nashriyoti, 2008, – B.5.
17. Abdulg'ani an-Nablusiy. "Al-hadiqa un-nadiya fi sharhi at-tariqat al-muhammadiya". Bayrut, "Dar ul-kutub al-ilmiya" nashriyoti, 2011, – B.3-5.
18. Muhammad bin Sulaymon al-Bag'dodiy. "Al-hadiqat un-nadiya fi adabi at-tariqat an-naqshbandiya". Qohira, 1895, – B. 5.
19. Ahmad ibn Ajiba. "Iqoz ul-himam fi sharh al-hikam". Bayrut, "Dar ul-kutub al-ilmiya" nashriyoti, 2009, –B.6.
20. Ahmad ibn Ajiba. "Al-futuhot ul-ilohiya fi sharh al-mabohis al-asliya". Qohira, "Dar ul-xayr" nashriyoti, 2010, – B.11.
21. Ahmad ibn Ajiba. "Al-bahr ul-madid fi tafsir al-Qur'on al-majid". Bayrut, "Dar ul-kutub al-ilmiya" nashriyoti, 2008, – B.7.